Сенинг тенгдошинг

## ҲАЁТИМДАГИ ҚУВОНЧЛИ КУНЛАР

**Чортоқлик Санжар Тошбоев бахти кулган, толеи ёрлақаган ўғлонлардан.**

**— Мактабда муаллимимиз Зоя Михайловна дарсларда турли давлатлар ҳақида ҳикоя қилиб берганда, унинг сабоқларидан жаҳон бўйлаб саёҳат қилгандек бўлардик, -дея эслайди Санжар. -Бир-биридан кўркам, гўзал шаҳарларни эшитиб, қалбимда хориж давлатларида бўлиш орзуси ана шу болаликдаёқ уйғонган.**

*— Ҳаётингизда энг қувончли кун қайси? -сўраймиз ундан.*

**Ҳаётимда омадли — "Умид" совриндори бўлиб, Англияда Миддлесбро шаҳридаги Тиссайд университетида халқаро ҳуқуқ соҳаси бўйича таҳсил олганим ҳам бахтим бўлганидир.**

**Ундан Англиядаги ҳаёт ҳақида сўрадик.**

**— У ерда университет институтларга бўлинган. Масалан, иқтисодиёт институти, дизайн институти, компьютер ва янги замон институти каби. Илмни мукаммал ўрганиш учун талаба ўзи кўпроқ изланишига тўғри келади. Сабаби, сабоқ пайти мавзу доирасида асосан топшириқ берилади. Мавзу бўйича пухта билим олиш учун эса барча имкониятлар етарли.**

**Жуда кўп дўстлар орттирдим, француз Эрик, италиялик Бруно, грециялик Андрус...**

**Биз ўзбек эканлигимиздан фахрлансак арзийди. Сабаби, аждодларимиз номи у ерда ҳам маълум ва машҳур. Ибн Синони ҳамиша ифтихор билан тилга олишар экан. Дунё давлатлари ҳақидаги суратли харитани кўздан кечираётган университет профессори Жудист хоним Марғилон атласини кўрди-ю, унга маҳлиё бўлиб қолди. Бундан қувонмай бўладими?**

**— "Умид" Президентимизнинг биз ёшларга ноёб туҳфалари, -дейди Санжар. -Биз хорижда таҳсил олаётган ёшлар бу инъомни элга юз чандон, минг чандон қилиб қайтариш ҳисси билан яшаймиз.**

Исроил ЮСУПОВ,
Чортоқ шаҳри

Ўн олтига кирган қиз...

# КОМИЛАНИНГ СЎНГГИ НИДОСИ

Комила Сафарова ўн олти ёшда эди. У ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, қабиҳ инсонларга дуч келганда вазиятдан қандай қутулмоқ кераклигини билмасди. Унинг ҳаётда ҳаққи кўп эди, афсуски ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир машъум лаҳзада қиз кучли эҳтиросга берилиб, ўз ҳаётига нуқта қўйди. Бунга қўшни йигит — йигирма ёшли Баҳодир Соҳибовнинг хатти-ҳаракатлари сабаб бўлди.

Пешку туман прокурори Хайрулла Ҳасанов мени Захкаш қишлоғида истиқомат қилган Комила Сафарованинг ўз жонига қасд қилиши юзасидан Баҳодир Соҳибовга нисбатан қўзғатилган жиноий иш тафсилоти билан таништираркан, тўғриси, кўнглимда марҳума қизга ҳам, қамоқхонада ўтирган йигитга ҳам ачиниш ҳисси пайдо бўлди. Ёшлик бебошлик деймиз, лекин бундай ҳалокатли оқибатга олиб борувчи бебошликка жим қараб туриш мумкин эмас-да.

Воқеа тафсилоти шундай. Баҳодир ҳарбий хизматдан қайтиб, ҳеч қаерда ишламай бекор юрарди. Ота-онаси ҳам "майли, бир оз дамини олсин, кейин ҳеч бўлмаса далага чиқиб ишлар" деган хаёлда эдилар. Аммо халқ ибораси билан айтганда, йигитнинг "боди баланд" эди. У армияда хизмат қилиб келгани учун ўзини "қаҳрамон" ҳис этар, айниқса бу характерини қизлар олдида яққол намоён этарди. Шунинг учун ҳам у ҳақиқий мард йигитлар сингари қизнинг кўнглини олишга интилмай, тегажоқлик, зўравонлик қиларди. Қўшниси Комила қишлоқдаги йигитларнинг ҳавасини келтирадиган даражада эди. Баҳодир Комилани ўзиники қилиб олмоқчи бўлди. Дабдурустдан бориб: "Сен менга тегасан!" деди. Табиийки, бундай муносабатдан қизнинг нафсонияти лат еди ва бу йигитдан умуман узоқ юришга ҳаракат қилди.

Комила ота-онасига ёрдам бериш учун далага чиқиб ишлар, шом чоғи дугоналари билан хушчақчақ уйга қайтарди. Шундай кунларнинг бирида Баҳодир яна унинг йўлини тўсиб чиқди ва билагидан ушлаб олиб, тегажоқлик қила бошлади. Комиланинг ёнидаги дугонаси, қариндоши бўлган Муҳаббат эса уларнинг ўзаро гапи бордир, деган ўйда нари кетди. Шу ерда Комила Баҳодирга кескин жавоб бериб, бундан кейин йўлини тўсмасликни талаб қилди. Баҳодир эса тап тортмай "Сени шундай қиламанки, мендан бошқа йигит олмайди", дея пўписа қилиб қолди.

Илгари ҳам шунақа гаплар билан қизнинг юрагига ғулғула солиб юргани учун шу куни кечқурун Комила онаси Рўзигул опага йиғлаб бор гапни айтди, "Баҳодир мени тинч қўймаяпти" деди. Рўзигул опа бу гапни кейинга сурмай, дарҳол эри Тойир Холовга етказади-да, кейин эр-хотин биргаликда Комилани олиб, қўшнинисига — Баҳодирнинг ота-онаси ҳузурига йўл оладилар. Мақсадлари йигитни тартибга чақириб қўйиш эди. Аслида улар етти ёт бегона эмас, бир-бировига узоқ қариндош ҳам бўлар эди.

Хуллас, икки томон воқеани яхшиликча айтиб-эшитаётганда Баҳодир безбетлик билан қизга: "Ўзинг мен билан юрасан-ку, доим ҳоли-жонимга қўймайсан, нега энди ота-онангга мени ёмонлайсан? Сенга шоколад олиб берганим эсингдан чиққандир-да!" деди. Қиз бу гапдан лов этиб ёнди-ю: "Қачон мен сен билан юрибман? Ҳамма билан юрсам юраманки, сенга тирноғимни ҳам раво кўрмайман" деди. Шунда Баҳодир иржайиб туриб: "Ҳамма билан юрадиган бўлсанг, сен бузуқ экансан-да" деди. Бу гапдан кейин муҳокама жанжалга айланди. Баҳодир қизга, унинг шаънига тегадиган туҳмат гапларни айта бошлаганидан Рўзигул опа юраги қисиб, тап этиб йиқилди. "Мезбон" қўшнилар унинг юзига сув сепиб, ўзига келтириш билан овора бўлишди. Комила Баҳодирнинг навбатдаги тубанлигидан тамоман ўзини йўқотди, унинг миясига шу топда ўзини ўлдириш билан ифлос, туҳмат гаплардан устун эканлигини исботлаш, номусини шу билан ҳимоя қилиб, Баҳодирдан ўч олиш фикри яшиндай урилди. У югуриб ўзларининг ҳовлисига ўтди. Опаси Фазолатга: "Югур, онам ҳамсояникида ҳушидан кетиб қолдилар" деб уни ҳам жўнатиб юборди-да, ошхонага кириб, ўз жонига қасд қилишга уринди.

Комила Сафаровани касалхонага олиб келганларида унинг тирик қолишидан умид йўқ эди. Зумда милиция, тергов ходимлари уни қуршаб олишди. Ҳаётдан кўз юмаётган бегуноҳ қизнинг: "Мени Баҳодир жонимдан тўйдирганди..." деган сўнгги сўзларини видео тасмасига тушириб олишди.

Комила! Сен хато қилганингни кеч англадинг. Балки Баҳодирнинг ҳам энди кўзи очилгандир. Сенинг ўлим олдидан сўнгги нидоларинг пушаймонлик ва изтироб ичида қолган биз тирикларга нимадандир сабоқ берса ажаб эмас. Эҳтимол биз сен каби, Баҳодир каби ёшларга ҳуқуқий, маънавий тарбияни ҳали етарли даражада бера олмагандирмиз.

**Саид БУРҲОН**

Огоҳликка даъват

## ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

**— Бизнинг вилоятимизда истиқомат қилаётган аҳолининг қарийб ярмини ёшлар ташкил этади, -дейди "Камолот" жамғармаси Жиззах вилояти бўлими раиси Ғафур Қаршибоев. Уларнинг 678 нафари шу йил баҳорида Ватан хизмати учун қуролли кучларимиз сафини тўлдирдилар. Вилоятда ташкил этилган "огоҳлик" штаби аъзолари орасида уларнинг муносиб вакиллари бор. Вилоятдаги корхоналар, ташкилот ва муассасаларда "Ўз уйингни ҳимоя қил" шиори остида навбатчиликлар ташкил этиляпти. Сурхондарёдаги воқеалар, республикамизнинг қатор ҳудудларида террорчиларнинг қилган қабиҳ ҳаракатлари, унинг натижасида аскарларимизнинг Ватан учун жонини фидо қилиб ҳаётдан кўз юмганлари жиззахлик ёшларнинг қалбига ҳам қаттиқ изтироб, юртимиз душманларига нафрат туйғуларини солди. Улар тунги навбатчилик ташкил этиб, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, қишлоқ фуқаролари йиғинлари фаоллари билан ҳамкорликда ҳамиша сергак туришибди.**

## ЁШЛАР ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

**Бахмал тумани ҳокимлиги "Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш" бўлими мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги нишонланган йилда ибратли ишларни амалга оширдилар. Бўлим 745 фойдали меҳнатга лаёқатли кишиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашди. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Туманда миллий ҳунармандчилик ривожланганини ёшларнинг иш билан таъминланишига имконият яратмоқда. Бахмал пичоқчилиги, эгарчилиги, жунли маҳсулотлар, зардўзлик мактаби борлиги кўпчиликка маълум. Шу шахобчаларда ҳам ёшлар касб-ҳунар ўрганиб, ижтимоий фойдали меҳнат қилмоқдалар.**

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Спорт

# ЖАЪФАР ИРИСМЕТОВНИНГ "ОЛТИН ТЎПИ"

***Куни кеча Ўзбекистон Республикаси тўққизинчи миллий чемпионатида иштирок этаётган олий табақа жамоалари 27-тур учрашувларини ўтказдилар. Ўтказилган тўққиз ўйинда дарвозаларга ўттизта тўп киритилди. "Навбаҳор" — "Сўғдиёна" учрашувига ташриф буюрган "ашаддий" мухлислар дарвозаларга киритилган тўққиз тўпнинг гувоҳи бўлдилар.***

Турнинг марказий учрашуви "Дўстлик" —



"Пахтакор" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Ўйин 0:0 ҳисобида тугайдиганга ўхшаб турган эди. Учрашувнинг 88-дақиқасидагина Февзи Давлетовнинг қанотдан оширган тўпини Жаъфар Ирисметов боши билан "Пахтакор" дарвозасига киритиб, ўз жамоаси ғалабасини таъминлади.

Наманганда "Навбаҳор" — "Сўғдиёна" учрашуви ҳужумкор руҳда ўтди. Учрашувнинг олтинчи дақиқасида майдон эгалари футболчиси Саид Камолов ҳисобни очди. Шундан сўнг дарвозаларга кетма-кет тўплар ёғила бошлади. Қизиқарли ва сермаҳсул бўлган учрашув 6:3 ҳисобида майдон эгалари ғалабаси билан якунланди.

Мамлакатимизнинг тўрт карра чемпиони "Нефтчи" ўз майдонида "Хоразм" футболчиларини қабул қилиб, рақиб дарвозасига учта жавобсиз тўп киритишга муваффақ бўлдилар.

"Бухоро" — "Насаф" учрашувида дарвозаларга еттита тўп киритилди

Андижонда эса майдон эгалари рақиб дарвозасига жавобсиз беш тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Майдон эгалари ўйинчиси Бахтиёр Ҳамиддуллаев уч тўп муаллифи бўлиб, "хет-трик"ка эришди. Унинг киритган тўплари йигирма иккитага етди.

Навоийда "Зарафшон" — "Трактор"ни қабул қилиб, ўйинни меҳмонларга бой бериб қўйди.

"Қизилқум" — "Сурхон" учрашуви 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

"Кимёгар" ўз майдонида "Семурғ"ни 1:0 ҳисобида мағлуб этди. Ягона тўпни Игор Нестеров киритди.

"Темирйўлчи" — "Гулистон" учрашувида ҳам майдон эгаларининг қўли баланд келди.

Тўпурарлар баҳсида Жаъфар Ирисметов 26 тўп билан карвонбошилик қилмоқда. Мухсин Муҳаммадиевда 24 тўп, Зафар Холмуродовда эса 23 тўп бор.

Тўққизинчи миллий чемпионатнинг 28-тур учрашувлари кеча 12 сентябрда ўтказилди.

**27-турдан сўнг жамоаларнинг жадвалда тутган ўрни:**

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. "Дўстлик" | 25 | 20 | 3 | 2 | 64-27 | 63 |
| 2. "Самарқанд" | 26 | 19 | 1 | 6 | 72-30 | 58 |
| 3. "Насаф" | 27 | 17 | 7 | 3 | 60-35 | 58 |
| 4. "Нефтчи" | 27 | 17 | 6 | 4 | 55-26 | 57 |
| 5. "Навбаҳор" | 27 | 15 | 7 | 5 | 67-34 | 52 |
| 6. "Бухоро" | 27 | 13 | 4 | 10 | 42-40 | 43 |
| 7. "Андижон" | 27 | 11 | 8 | 8 | 56-38 | 41 |
| 8. "Пахтакор" | 27 | 11 | 6 | 10 | 45-39 | 39 |
| 9. "Сурхон" | 27 | 11 | 6 | 10 | 48-47 | 39 |
| 10. "Семурғ" | 27 | 10 | 7 | 10 | 44-42 | 37 |
| 11. "Трактор" | 27 | 11 | 3 | 13 | 41-38 | 36 |
| 12. "Қизилқум" | 27 | 7 | 10 | 10 | 28-38 | 31 |
| 13. "Металлург" | 27 | 8 | 7 | 12 | 27-42 | 31 |
| 14. "Сўғдиёна" | 27 | 7 | 5 | 15 | 35-56 | 26 |
| 15. "Кимёгар" | 27 | 6 | 7 | 14 | 26-45 | 25 |
| 16. "Зарафшон" | 27 | 6 | 7 | 14 | 23-52 | 25 |
| 17. "Гулистон" | 26 | 7 | 3 | 16 | 29-46 | 24 |
| 18. "Темирйўлчи" | 27 | 6 | 5 | 16 | 39-66 | 23 |
| 19. "Хоразм" | 26 | 4 | 6 | 16 | 22-46 | 18 |
| 20. "Турон" | 26 | 4 | 6 | 16 | 23-59 | 18 |

**Талъат ЮСУПОВ**



*Эрта гўзал бўлиб отади тонглар,*
*Бахт каби омонат ўртаган ҳар ғам.*
*Юрак торларимдек омонат турар*
*Омонат дунёнинг кўприклари ҳам.*

Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат

## "САМАРҚАНД-ДИНАМО" МУХЛИСЛАРИНИ РАНЖИТДИ

**Маълумки, яқинда "Небитчи" билан бўлган биринчи ўйин 4:3 ҳисобида туркманистонликлар фойдасига ҳал бўлган эди. Рақиб майдонида тўртта тўпга учта жавоб қайтариш, албатта яхши натижа.**

Куни кеча Осиё кубок эгалари кубогининг жавоб учрашуви Самарқандда бўлиб ўтди. Ўйин мухлислар кутганидек, самарқандликларнинг шиддатли ҳужумлари билан бошланди. Бироқ, туркманистонлик футболчилар ташаббусни қўлдан бермай, майдонда бир-бирини тушуниб, яхши ўйин кўрсата бошлади. Александр Петров ҳисобни очиб, меҳмонларни олдинга олиб чиқди. Шундан сўнг биринчи бўлим самарқандликларнинг кетма-кет ҳужумлари ва туркманистонлик футболчиларнинг онда-сонда хавфли ҳужумлари билан ўтди. Умид Абдураҳмоновнинг 20 метрдан тепган тўпи дарвоза тўрига бориб тушди. Ҳисоб:1:1

Ўйингоҳда тўпланган минглаб томошабинлар иккинчи бўлимда "Самарқанд—Д" жамоасини қўллаб қувватлашарди. Айниқса, ҳамюртимиз Равшан Бозоровнинг меҳмонлар дарвозасига киритган чиройли тўпи ишқибозларни қувонтириб юборди. Бироқ, ўйиннинг 75-дақиқасида Омонмурод Мередов ҳисобни 2:3га етказди.

**Абдусодиқ НАМОЗОВ**

## ҚОРАСУВДА БОКС ТУРНИРИ

Қорасув шаҳрида байналминал-жангчи Эркин Туробжонов хотирасига бағишланган бокс турнири бўлиб ўтди. Унда 1986-1987 йилда туғилган юзга яқин ёш "чарм қўлқоп" усталари 12 вазн тоифаси бўйича ғолиблик учун курашдилар.

Жамоа ҳисобида қорасувлик ёш боксчилар фахрли ўринни эгалладилар.

Ғолибларга "Камолот" жамғармасининг Қорасув шаҳар бўлими раиси Муроджон Маматаюпов ҳамда марҳум жангчи Эркин Туробжоновнинг оила аъзолари томонидан совғалар топширилди.

**Сирожиддин ҲАСАНОВ,**
**Оловуддин ДАДАЖОНОВ**

ОЛАМ ОВОЗИ

### СОБИҚ ВАЗИРНИНГ СОДИҚ ТАРАФДОРЛАРИ

Исроилнинг собиқ ички ишлар вазири Арье Деринининг пора олганлиги ҳақидаги жиноий иш мамлакат судларида ўн йилга яқин давом этгач, суд ниҳоят унга белгиланган уч йиллик қамоқ жазосини қўллашга қарор қилган ва 3 сентябрь куни у Рамл шаҳридаги «Маасияху» қамоқхонасига келтирилган эди. Шу куни ШАС партиясининг собиқ раҳбари тарафдорлари ўтирган автобуслар колоннаси мамлакатдаги энг катта Иерусалим—Тель-Авив трассасидаги ҳаракатларга жиддий халақит берган ҳолда маҳкумни кузатиб келдилар. Шундан сўнг улар қамоқхона биноси олдида бир неча минг кишилик митинг ўтказиб, унда дарвоза олдида палатка тутишга келишиб олдилар. Ўшандан бери ана шу палаткада ҳар куни ўнлаб одамлар ўз содиқликларини намойиш қилган ҳолда қоровуллик қилиб чиқмоқдалар ва ўз-ўзидан шаҳар аҳолисининг норозилигини келтириб чиқармоқда.

### ПРЕЗИДЕНТ ҚЎРИҚЧИЛАРИ МАШИНАСИ УРИЛИБ КЕТДИ

Душанба куни кечқурун Президент Путин ўтирган кортежни Кремлдан Триумфальной саройи томон кузатиб кетаётган қўриқчилар машинасига йўл ҳаракати қоидасини бузган номаълум «Жигули» келиб урилган. Кузатувчилар машинаси айланиб тушган бўлсада, ундаги қўриқчилар тан жароҳати олган, холос. «Жигули» ҳайдовчиси эса соппа-соғ. Президент ўтирган машина бу тасодифдан умуман талофат кўрмаган.



